



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУз

АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАҒИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2021
1/5**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

И.У.МАДЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

Сағдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Ҳ. – т.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Ҳ. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Ширинова Р.Х. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2021

МУНДАРИЖА

Тарих

| | |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| Абиров В. Ўзбек халқи этногенези муаммосига доир археологик тадқиқотлар (мустақиллик йиллари) | 4 |
| Акрамова Ф. Социально-экономические основы подготовки промышленных кадров в узбекистане..... | 8 |
| Аллаберганова Ш., Қурбонов Н. Ғарбий Ўзбекистондаги сеймик жараёнлар тарихи..... | 11 |
| Алланазаров М. Бухоро иқтисодий кенгаши ва маҳаллий кадрлар тайёрлаш масалалари..... | 14 |
| Бозоров З. Ўзбек жангчиларининг 1942 йил фронтларда кўрсатган қаҳрамонликлари..... | 17 |
| Бўриев С. Сурхон-Шеробод воқасини ўзлаштиришда сув тармоқларининг ўрни..... | 21 |
| Doniyev S. Historical stages of formation of socio-political relations between Uzbekistan and India..... | 26 |
| Кенжаева Н. Помир ва унга туташ минтақаларга уюштирилган илмий экспедицияларнинг ташқил этилиши, режалаштирилиши ва комплекс тадқиқот хусусиятлари (XX асрнинг 30 йиллари)..... | 29 |
| Қурбонов Н. Тошкент зилзиласи тарихи: матонат ва сабот..... | 32 |
| Нарзиев Н. Ўзбек мулоқот маданиятида меъёрий мезон тушунчасининг этнолингвистик таҳлили..... | 35 |
| Палванов Х. Хоразм антик даври археологик ёдгорликларини ўрганишда ўзига хос хусусиятлар..... | 40 |
| Sobirov J. Secrets of military art in "Boburnoma"..... | 43 |
| Турсунов Р. Туркистон минтақасида метеорология ва иқлим ўзгаришлари тарихидан (XIX аср охири – XX аср бошларида)..... | 45 |
| Хамидова М. Темурийлар даври меъморий ёдгорликларининг хорижий тарихшунослиги хусусида (XIX аср охири)..... | 50 |
| Холмирзаева М. Миллий манфаатнинг мафкуравий хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг ўрни..... | 54 |

Фалсафа. Педагогика. Методика. Социология

| | |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| Азимқулов С. Таълим жараёнини инновацион педагогик технология асосида ташқил қилишда қўлланиладиган ўқитиш усул ва технологиялари..... | 58 |
| Ақбарова М. "Кимё" курсини ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари..... | 61 |
| Акрамова Х. Олий таълим муассасаларининг халқаролаштириш муаммосини ўрганишда ECTS кредит-модуль тизимининг аҳамияти | 64 |
| Aliyev V. Umumta'lim maktablarining biologiya darslarida interfaol ta'lim metodlarini qo'llashning samaradorligi | 67 |
| Алтынкая К. Понятие преподавательства в Турции..... | 71 |
| Amonov R. Sivilizatsiya va texnosfera falsafiy tadqiqot obyekt sifatida..... | 76 |
| Aribjonova U. O'smirlik davrida deviant xulq-atvorga moyillik shakllanishining ijtimoiy-psixologik jihatlar..... | 79 |
| Ahmadaliyeva Kh. The peculiarities of developing pupils' communicative competence via negotiated interaction in TBLT at academic lyceum | 82 |
| Akhmedov A. Davlat boshqaruvi organlari faoliyatida "Raqamli hukumat"ning ўрни..... | 85 |
| Ахмедов Х. Маънавий кадрларга хурмат – тараққиёт жараёнининг муҳим омил..... | 90 |
| Бақиева М. Қиз болаларда ижтимоий фаол шахс сифатларини тарбиялашнинг методик хусусиятлари | 94 |
| Болтаев А. Волейболда сакрашларнинг техник қобилиятларини шакллантириш механизмлари..... | 98 |
| Davlatova F. Avtomatlashtirilgan ishlab chiqarish tizimlarini matematik modellashtirish | 103 |
| Дадабоев Р. Жисмоний тарбия дарсларида бошланғич синф ўқувчиларининг ахлоқий сифатларни шакллантириш мазмунини белгилашнинг педагогик талаблари..... | 107 |
| Дукеева А. Булажак ўқитувчиларнинг акмеологик компетентлигини ривожлантириш..... | 110 |
| Жумаев Ж. Буюк алломаларимизнинг диний-фалсафий тафаккур соҳасидаги мероси..... | 114 |
| Жўраев Р., Тўхтамонов Б. Ўзбекистон сиёсий маконининг худудий тавсифланиши..... | 118 |
| Juraeva N., Abduraimov J., Xoldarova F. Maktab geometriya kursini o'qitishda interfaol texnologiyalardan foydalanish..... | 122 |
| Isaqov A. Raqamli texnologiyalarni qo'llash asosida tasviriy san'at darslarini tashkil etish va o'tkazishga doir o'quv materiallarini strukturalashtirish..... | 126 |
| Исмаилова М. Strategic competence and its role in foreign language teaching..... | 130 |
| Kadixodjaeva D. Issues on developing digital literacy of students under the introduction of digital educational environment..... | 133 |
| Камбаров Н. Шарқ яқкакурашлари таълимотлари орқали ёшларни баркамол шахс этиб тарбиялаш..... | 136 |
| Каримова В. Факторы в управлении качеством повышения квалификации руководящих кадров высших образовательных учреждений..... | 140 |
| Қиличев Ф. Экологик маданият вариацияси ва статикаси..... | 145 |
| Мардонов Б. Ёшлар сиёсати давлат сиёсатининг таркибий йўналиши сифатида..... | 148 |
| Мурадқасимова К. Педагогларнинг баҳолаш компетенциясини такомиллаштиришда стандартнинг ўрни..... | 152 |
| Миришарипова З. Отношение к курению студентов ПГТУ имени Ислама Каримова..... | 155 |
| Надинова З., Элчаев З. Интуиция ва синергетикада уйғунлик..... | 159 |
| Норқўзиева Д. Ўсмирлик даврига хос агрессив хулқнинг психологик таҳлили..... | 162 |
| Олимова М. Постмодернизм таълимотида инсон муаммоси..... | 166 |
| Омонов Б. Экологик глобаллашув ва унинг ижтимоий жараёнлар глобаллашуви тизимидаги ўрни..... | 170 |
| Pardayeva G. Axborot texnologiyalari sohasida masofaviy ta'limni takomillashtirishga oid dastruiy vositalar yaratish metodikasi..... | 174 |
| Parmonov B. Maktabgacha yoshdagi bolalarda axloqiy munosabatni shakllantirishning psixologik xususiyatlari | 177 |
| Равшанова Р. Масофали мурожаат ва унинг прагматик параметрлари | 181 |
| Рамазанов А. Дунёнинг илмий манзараси илмий билимларнинг умумлашган системаси сифатида..... | 184 |
| Rahmatov D. Oliy ta'lim muassasalari talabalarining basketbol sport turidan foydalanishda texnik malakalarini shakllantirish..... | 187 |
| Салихов О. Искусство авангарда на примере художественного музея Нукуса..... | 191 |
| Сатторов М. Шахс ахлоқий-эстетик маданиятининг экологик онг билан диалектик уйғунлиги..... | 194 |
| Секерова А., Разакова М. Эвфемистическая репрезентация концепта "poverty" в художественном тексте..... | 198 |
| Тангриев А. Совершенствование скоростно-силовой подготовки дзюдоистов с помощью метода круговой тренировки..... | 203 |

| | |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| Тўраев К. Глобаллашув шароитида интернет тарғиботи ва унинг ижтимоий фикрни шакллантиришдаги глобал имкониятлари | 207 |
| Улмасова Д. Эмоционал интеллект замонавий психологиядаги долзарб масала сифатида | 210 |
| Ходжаниязов С. Нажмиддин Кубро ва Паҳлавон Маҳмуд тасаввуфий қарашларида шахс фазилатлари ва иллатларига нисбатан турлича ёндашувлар | 213 |
| Xolbozоров Q. “Iqtisodchilar uchun matematika” fanini o‘qitishda Geogebra dasturining qulayliklari | 216 |
| Худайбердиева Х., Раҳмонов Б. Миллатлараро муносабатлар ривожидида санъатнинг эстетик роли | 220 |
| Ҳантова Н. Геймификациядан фойдаланиш орқали бошланғич синф ўқувчилари мотивациясини ривожлантириш | 224 |
| Эргашева М. Ta’limning o‘z-o‘zini tashkillashtirish jarayonidagi ahamiyati | 227 |
| Эрназаров Ш. Миллий гоёни тарғиб қилишда Алишер Навоий асарларининг аҳамияти | 231 |

Филология

| | |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| Ашурова Н. Аёл руҳиятининг ранги | 235 |
| Бахронова М., Тураева Х. Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” асаридаги касаллик турлари ва уларнинг лисоний тавсифи | 238 |
| Boygucheva L. Discourse in modern linguistics | 242 |
| Джумаева Н. Тилсим предметларнинг эртақлардаги талқини (инглиз ва ўзбек халқ эртақлари мисолида) | 246 |
| Жалолова Ф. Лингвокультурологик аспектда концепт тупунчаси. “Ўгай она” концепти | 250 |
| Ishqobilova N. Milliy qadriyatlarni ifodalovchi til vositalarining ilmiy adabiyotlarda o‘rganilishi | 253 |
| Комилова Д. Терминлар ўрганилишига доир назарий таҳлиллар | 255 |
| Курбаназарова Н. Совчилик билан боглик удумларда стереотипик характер (“Алпомиш” достони мисолида) | 258 |
| Qarshiyeva Sh. Navoiy muammolarining g‘oyaviy-badiiy xususiyatlari | 262 |
| Медетова Г., Ахмедова М. Issues on the verbs expressing positive emotional attitude in English | 265 |
| Пайзуллаева Р. Насрда назм оҳанглари | 268 |
| Сайфуллаев А. Таржимада хатолар типологияси ва уларни бартараф этиш | 271 |
| Сатторова З. “Девону луғати-т-турк” асари ва унинг янги наслари | 275 |
| Соатова Г. “Маориф ва ўқитғувчи” журнали – адабий манба сифатида | 280 |
| Тўхтабоева М. Боту шеърлятидаги такрорий бирликларнинг лингвопоэтик хусусиятлари | 283 |
| Xoliqova D. Xronotop adabiy asarning badiiy birligidir | 286 |
| Hayitov Ch. Inson karakterini va axloqiy xususiyatlarini ifodalovchi sifatlarning ko‘chma ma’noda qo‘llanishi | 289 |
| Чорнева Ш. Ричард Олдингтон ва Вера Бриттен асарларидаги “Аёл образи”нинг бадий-фалсафий таҳлили | 293 |
| Shorasulova A. Turk va o‘zbek tillarida “Inson holati va narsa-buyum” nomlari orqali vaqtning ifodalanishi | 296 |
| Эсанов А. Ҳижрий-қамарий тақвим билан боглик ўзбек болалар мавсумий маросим қўшиқлари | 299 |
| Эшанова З. “Фарҳод ва Ширин” достонидаги муножотларнинг гоёвий-бадий хусусиятлари | 303 |
| Юлдашева О. Поэтика заглавия рассказа Д.Рубиной «Бабка» | 306 |



УДК: 158.8 (476.1)

Гулзода СОАТОВА,

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети таянч докторанти

E-mail: Sanjarhamdamov001@gmail.com,

ТошДУТАУ доценти, фил.ф.д. Қ. Пардаев тақриси асосида

MAGAZINE "EDUCATION AND TEACHER" - AS A LITERARY SOURCE

Abstract

The article discusses the importance of the magazine "Education and Teacher" as a literary source, which operated in 1925-1933, and gives some information about the editors and circulation of the magazine. There have also been given opinions about the role of the magazine in its time, an analysis of literary materials. Moreover, the data of collected information about the structure of the journal is accorded as well.

Keywords: press, magazine, "Education and Teacher", literary source, nation, science.

ЖУРНАЛ "ПОСВЕЩЕНИЕ И УЧИТЕЛЬ" В КАЧЕСТВЕ ЛИТЕРАТУРНОГО ИСТОЧНИКА

Аннотация

В статье рассматривается значение журнала "Образование и педагог" как литературного источника, действовавшего в 1925-1933 гг., Редакции и тиража журнала. Были также мнения о роли журнала в свое время, анализ литературных материалов. Приведена собранная информация о структуре журнала.

Ключевые слова: пресса, журнал "Образование и педагог", литературный источник, нация, наука.

"МАОРИФ ВА ЎҚИТҒУВЧИ" ЖУРНАЛИ – АДАБИЙ МАНБА СИФАТИДА

Аннотация

Мақолада 1925-1933 йилларда фаолият юритган "Маориф ва ўқитғувчи" журналининг адабий манба сифатидаги аҳамияти ва журнал муҳаррирлари, тиражи борасида сўз боради. Шунингдек, журналининг ўз даврида тутган ўрни ҳақидаги фикрлар, адабий материалларнинг таҳлили берилди. Журналининг тузилиши ҳақида тўпланган маълумотлар келтирилди.

Калит сўзлар: матбуот, журнал, "Маориф ва ўқитғувчи", адабий манба, миллат, илм.

Қириш. Миллий матбуотимиз тарихи ва муаллифлари фаолияти ҳақида давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг муайян даражада тадқиқотлар амалга оширилди. Жумладан, "Тараққий", "Самарқанд", "Садойи Туркистон" газеталари, "Ойна", "Ал-Ислоҳ" журналлари фаолияти ўрганилди. Аммо XX аср бошларида миллат манфаатларини ҳимоя қилган, маҳаллий аҳолини миллий ўзлигини англашга таъшиқ этган, умуман, миллий маънавиятимиз ва адабиётимиз ривожига катта ҳисса қўшган "Маориф ва ўқитғувчи" журналининг адабий манба сифатидаги аҳамияти монографик тарзда ўрганилган эмас. Зеро, президентимиз Шавкат Мирзиёев "Адабиёт, санъат ва маданият янса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди" деганда худди шу журнал ҳақида сўзлаётгандек гўё.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. XX аср бошларида миллат зиёлиларига тараққиётда янгилик яратиши, халқни саводди қилиш ва миллатни илм нури ила ёритиш учун матбуот минбар вазифани бажарди. Фитрат сўзлари билан айтганда: "Ижтимоий ҳасталикларимизга даво изловчилар жадидлар янгилик тарафдорларидир. Жадидлар, янгилик тарафдорлари: миллатимиз, халқимиз бу даражада тубан қолувларига, шу мартабада ёмон қунларга тушувларина нодонлиглари сабаб бўлди, бизнинг учун ўқув, илм-маърифатга ёпишув лозим, ватанимиз, мамлакатимиз ва миллатимиз илм нури бирла ёқурсун, дин ҳам дунё илмлари бирла жиҳозлансун".

Бу ҳақида Беҳбудий "Самарқанд" газетасида маҳаллий савдогарларни тижорат илмини билмасликда, рус-тузем мактабида ўқиган мусулмонларни еса миллат

қайғусидан узоқликда айблаб, муштарийларни бойиш илмини эгаллашга чақиради.

Туркистон зиёлилари ўртасида яқдилликни вужудга келтириш, барча ижодий кучларни ўз атрофига тўплаш учун матбуот органи керак эди. Шу сабабли "Ойна" (1913-1915), "Инқилоб" (1922-1924), "Ал-Ислоҳ"(1915-1918), "Ал-Изоҳ" (1917-1918), "Кенгаш" (1917 йил), "Хуррият" (1917 йил) журналлари, улардан кейин "Янги йўл", "Ер юзи", "Аланга", "Маориф ва ўқитғувчи", "Билим ўчоғи" каби адабий-бадий журналлар юзага келди. Бу даврда маҳаллий зиёлилар таълим-тарбиявий, ташкилий ва мафқуравий ишларини йўлга қўйишга киришдилар. Бу соҳада матбуот жуда зарур эди. 1925 йилда Ўзбекистонда умумий тиражи 92 минг нусха бўлган 24 номда газета ва 22 номда журнал чоп қилиниб турди.

Тадқиқот методологияси. Ўзбекистон жумҳурияти Маориф халқ комиссарлиги томонидан 1925 йил март ойидан Тошкентда чиқа бошлаган ойда бир марта чоп этилган "Маориф ва ўқитғувчи" журнали ижтимоий-сиёсий, таълимий-тарбиявий, адабий, илмий, фанний ва расмий журнал бўлиб, халқ оmmasини саводди қилиш, онгини ўстириш, турмуш фаровонлиги даражасини кўтариш, хотин-қизлар озодлиги, адабиётшунослик ва тилшунослик муаммолари ҳамда бир қатор ҳаётий масалаларни, маданиятимиздаги янгиликларни ёритишдек улкан вазифани ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Журнал Тошкентдаги Ўзбекистон Давлат нашриётининг 1-матбаасида чоп этилган. У 1925 йил кичик ҳажмда бир устунлик ва 160 саҳифалик бўлиб, 1926 йилдан эса катта ҳажмли ва икки устунлик бўлиб, 38, 40, 44, 50, 54, 58, 62,

64, 66, 70, 72, 74, 78, 80, 98 саҳифалик бўлиб чиққан. Журналнинг 1929 йил 4-сонидан бошлаб 60%, 11-сонидан эса 100% лотин ёзувига ўтган. Журнал 1926 йилдан бошлаб Самарқандда чиққан. 1933-йилда журнал ўз фаолиятини тугатган.

Журнал тиражи 1925 йилда 4000. 1926 йилда 4000. 1927 йилда 4057. 1929 йилда 4057. 1930 йилда 3000. 1931 йилда 3000. 1932 йилда 6800. 1933 йилда 6050 нусха чиқиб турган.

Журналга муҳаррирлик қилганлар Давлат Ризо ўгли (1925 йил мартдан 1926 йил июлгача), Саид Аҳмад Назиров (1926 йил июль), Мўмин Хўжаев (1926 йил августдан 1927 йил февралгача), таҳрир хайъати (1927 йил март-апрел), Маннон Рамз (1927 йил майдан 1929 йил мартгача), Қурбон Ғиёсов (1929 йил апрел-май), таҳрир хайъати (1929 йил июн-август), Абдулла Каримов (1929 йил сентябрь-октябрь), А.Исмоилзода (1929 йил ноябр-декабр), таҳрир хайъати – Носих Муҳитдинов, Қурбон Берёгин, У.Салимов (1930 йил), Қурбон Берёгин (1931 йил январь-август), таҳрир хайъати (1931 йил сентябрь-октябрь), 1932 йилда таҳрир хайъати, Атауллаев, 1933 йилда Атауллаев, таҳрир хайъати. Адабиётшунос Наим Каримов “41-йилнинг совуқ шамоли” мақоласида журнал ташкилотчиларидан Шокир Сулаймон ҳақида шундай дейди: “Мен Раҳим Иноғомовнинг тавсияси билан “Маориф ва ўқитувчи” журнали таҳририятига котиб этиб тайинландим. Журналга Икромовнинг яқин кишилари — Отажон Ҳошим, Рамзий, Боту раҳбарлик қилишган, журналнинг нашр этилишида эса Миён-Бузрук Солихов, Берёгин, Бўлат Солиев, Ғози Олим Юнусов ва Назрулла Иноятов ишгирок этганлар”. “Маориф ва ўқитувчи” журнали шiori: “Бутун дунё йўқисилари бирлашингиз!” 1930 йилдан эса “Бутун дунё пролетарлари бирлашингиз!” тарзида ўзгартирилган. Журнал масъуллари журналнинг келажаги ва узоқ умр кўриши учун ўз вазифаларига сийқидилдан ёндашилган. Бу бошқарма (таҳририят) томонидан журналнинг 1-сони илк саҳифларида берилган чақирқид яққол кўзга ташланади: “Журналимиз тилаги маориф ходимларига маънавий қўмак беришдир. Отини “Маориф ва ўқитувчи” қўйдик. Бас, шунини ўқигон кишиларнинг ўзи маъносини англаса керак. Бу кунгача шундай ўртоқчилик газета бўлмади. Бошқа мамлакатларни кўрсак, уларда турли йўшардаги журналлар тўлиб чиқиб турарди. Бошқаларини қўя қолайлик, айниқса, бир иш ҳақида ҳам бир неча исмда журнал ва газеталар чиқади. Бизда бўлса, маориф ходимларининг хизмат майдонига қўмак учун эндигина мана шу журнал чиқарилади...”

Журналнинг асосий рўқналари: “Расмий бўлим”, “Умумий бўлим”, “Таълим-тарбия”, “Ижтимоий”, “Ўлкани таниш”, “Адабиёт”, “Лугат ва атамалар”, “Фан ва техника”, “Танқид ва китобиёт”, “Ғарб адабиёти”, “Таржимаий ҳол”, “Тил ва истилоҳ”, “Тўзал санъатлар”, “Адабий тафтишлар”, “Маориф хабарлари”, “Сиёсий оқартириш”, “Иқтисодиёт”, “Дехқончилик”, “Касабачилик”, “Махаллий хабарлар”, “Сўроқ-жавоблар”, “Хабарлар”, “Идорадан жавоб ва кенгашлар”, “Эълонлар”дан иборатдир.

Журналнинг энг фаол муаллифлари: Фитрат, Чўлпон, Элбек, Садриддин Айний, Ҳожи Муин, Вадуд Маҳмуд, Ғози Юнус, Абдулла Алавий, Саид Аҳрорий, Шокиржон Раҳимий, Шокир Сулаймон, Бўлат Солиев, Зариф Башир, Азиз Убайдуллин, Маннон Рамз, Абдулхамид Мажидий, Абдулмўмин Сагторий, Ашурали Зоҳирий ва Носир Саидлар бўлган. 1927 йил 7-, 8-сонидан бошлаб, “Маориф ва ўқитувчи” журналига “Болалар бўлими” илова қилинган. Унинг 1-сони август ойида 4

бетлик, 2-, 4-сонлари эса 8 бетлик бўлиб чиққан. Унда болалар учун эртақ, шеър, мақола ва суръатлар чоп этилган.

Таҳлил ва натижалар. Журнал рўқналарига эътибор қилсак, асосий қисмини адабий материаллар ташкил этади. “Таржимаий ҳол” рўқнада таниқли ижодкорлар таржимаи ҳоли, “Адабий тафтишлар” рўқнада эса юбилейи нишонланадиган адибларга бағишланган мақолалар ва таржима асарлар, “Танқид ва китобиёт” рўқнада танқидий мақолалар, қардош давлатлар ижодкорлари томонидан ёзилган туркум асарлар, “Адабиёт” рўқнада шоирларнинг шеърлари, носирларнинг хикоялари бериб борилган. Мазкур рўқналарга журналнинг 1925 йилдаги сонлари мисолида қарасак, қуйидаги ишлар нашр этилган: Элбек, Юлдуз, Фотих Бакир, Вадуд Маҳмуд, Тайфун сингари ижодкорларнинг 7та ва 1та имзосиз хикоя билан 8та хикоя, Ўлмас, Маҳмуд Субой, Чўлпон, А.Ниёзий, Вадуд Маҳмуд каби ижодкорлар томонидан 13та насрий ва назмий таржима асарлари, Вадуд Маҳмуд ва Ғози Олимнинг 2та танқидий мақоласи, Абдулхамид Мажидий, Ҳожи Мўйинларнинг 2та ижодкорлар таржимаи ҳолига оид асарлари, Чўлпон, Элбек, Боту, Бектош, Н.Раҳимий, Ойбек каби шоирларнинг жами 24 та шеъри ва Лермантовнинг “Мунозара”, Урхон Сайфийнинг “Соз шоири” номли шеърлари Эркин тахаллусли таржимон томонидан чоп этилган. 1927 йилдан журналга “Болалар бўлими” илова қилинган бўлиб, ушбу рўқнада ҳам болалар адабиётига кенг ўрин берилади.

Журналнинг 1925 йил 4-сонидан Вадуд Маҳмуднинг “Бугунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз” номли танқидий мақоласи берилган. Мақолада ўз замонасининг носир ва шоирлари ҳақида “Ўзбек адабиётининг насри, тилини энди янгилаб келаётган Фитрат билан ишини қўлдан бошлаб эндигина майдонга отишга муваффақ бўла олган Абдулла Қодирийдан бошқа ҳеч бири бир нимага молик эмасдир. Шеърда бўлса Чўлпондан бошқа тилга оларлик ва ишини кўрсата олган кишимиз йўқдир. Бунингда камчиликлари хали жуда кўпдир”- дея фикр билдирилиб, Туркистон адабиёти қардош халқлар адабиёти билан қиёсланиб, ютуқ ва камчиликлари кўрсатиб берилади.

Шунингдек, Ғози Олимнинг “Адабиёт тўғрисида хато назариялар” мавзудаги танқидий мақоласида Абдурахмон Саъдийнинг “Амалий ва назарий адабиёт дарслари” номли асари ҳақида: “Бу асар усулсиз, таълим-тарбия асосларига муҳолиф, фикри хатолар билан тўлгон бир асар бўлганлиги учун ўқитувчи ва ўқитувчиларимизга раҳбар бўла олмайдур” – дея кескин фикрларни билдиради. Асардаги илмий, гоъвий, бадий ва лингвистик хатоларни бирма-бир кўрсатиб беради. Элбекнинг мустақиллик йилларида нашр этилган Элбек шеърий тўпламларида учрамайдиган “Шам” шеъри журналнинг 1925 йил 11-, 12-сонидан берилган. Шоир шеърда шам атрофга ёруғлик таратиб, кўнгишларни хушнуд этишини, аммо ўзи эриб битишини тасвирлайди. Албатта, шам шу давр фидоийлари рамзидир. Шеър қуйидаги сатрлар билан бошланади:

Шодлигимдан чироқ томон боқдим,

Эҳ эссиз, борлигимга ўт ёқдим,

Шам ёниб ёғдулар сочар эрди,

Кўксини гам сари очар эрди.

“Маориф ва ўқитувчи” журналининг 1929 йил 8-, 9-сонидан Маҳмуд Одиловнинг “Озод хотин сўзи” мавзусида шеъри берилган. Шеърда илгондек оёқларига ёпишган эрксизлик ишдан қутулиб, эркин ҳаётга эришган аёл сўзлари келтирилган. Аёл илгари эркаклар оёқлари остида

эзилгани, эрк ашуласини айтолмагани, энди эса ўз эрки ила ишда ва ўқишда эркаклар билан тенг бўлиб ишлаётганини, ўқиётганини, юрт тараққиёти учун ҳисса қўшиш мақсад қилинади. Шер қуйидаги мисралар билан бошланади:

Илгари илондек эрксизлик ипи,
Оёқларимга ўралган эди,
Эрк осмонига учолмас эдим.
Илгари аямай эрксиз эркаклар,
Оёқ остида эзар эдилар,
Эрк ашуласин айтолмас эдим.
Энди эрклиман ўз эрким ила,
Ишда, ўқишда эркаклар ила,
Аралаш ишлаб ўқимокдаман!
Энди элдаги эзгу амалга,

Эришмак учун умид олови ила,

Эскилик уйин ағдармоқдаман!

Хулоса ва таълифлар. Хулоса, “Маориф ва ўқитғувчи” журнали бадий, адабий, маърифий, публицистик материаллари билан XX аср ўзбек адабиёти, маданиятини бойитди. Миллат зиёлиларини ҳаётни чуқур идрок этишга, мураккаб, зиддиятли ҳодисаларни моҳирона акс эттиришга даъват этди. “Маориф ва ўқитғувчи” журнали ўзбек мумтоз адабиёти ҳамда фолклорини кенг тарғиб қилди.

Умуман олганда, XX аср 20-йилларидан нагр этилиб бошлаган “Маориф ва ўқитғувчи” журналидаги адабий маастериаллар миллий адабиётимизни ўрганишда адабий манба сифатида кимматлидир.

АДАБИЁТЛАР

1. Алламберганова М. XX аср бошларида Туркистон миллий матбуоти. Курс иши. Нукус. 2013. 3-б.
2. А. Фитрат. Жоҳилона мутаасибга мисол. Халқ сўзи. 1991. 13-декабр.
3. <https://www.xabar.uz.madaniyat.2018.7-avgust>.
4. Т. Н. Қориниёзов. Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар. Тошкент. “Фан”. 1956. 305-бет.
5. Нуриддинова Ф. Турон жавоҳирлари. Тошкент. Мумтоз сўз. 2019. 214-бет.
6. Каримов. Н. 41-йилнинг совуқ шамоли. 2004. <https://www.ziyo.uz>
7. “Маориф ва ўқитғувчи” журнали, 1925 йил, март, 1-сон.
8. “Маориф ва ўқитғувчи” журнали. 1925-йил. Сентябрь. 4-сон. 78-бет
9. “Маориф ва ўқитғувчи” журнали. 1925-йил. Декабрь-январ. 11-12-сон. 75-б
10. “Маориф ва ўқитғувчи” журнали. 1929-йил. Июнь. 5-6-сон. 67-бет